

**Украина мусулмонлар диний идораси**

**Ҳидоят сари**

# **Ислом тавҳид илмидан**

**Ал-Иршад  
Киев-2007**

**ҲИДОЯТ САРИ  
Ислом тавҳид илмидан**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على رسول الله

Аллоҳ номи ила бу дунёда Аллоҳ ҳаммага Раҳимли Охиратда фақат мусулмонларга.

Бутун оламни яратгувчиси Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, ҳамма нарса Унга мухтож Аллоҳ ҳеч ким ва ҳеч нарсага мухтож эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с'оллоллоҳу 'алайҳи ва салламга салому саловатлар бўлсин.

Бу китоб Ислом дини асоси бўлган тавҳид илмидан баъзи саволларни ўз ичига олган ва Мовлид, Тавассул ҳамда Никоҳ ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳанафий мазҳабини асосчиси Ан - Нўъмон бин Собит бу киши Абу ханифа ва имом Аъзам деб ҳам номлари Ислом дунёсида танилган. ҳижрий йил бўйича саксонинчи йилда Ироқ давлати Куфа шахрида таваллуд топган.

Имом Абу Ханифа икки юздан ортиқ тобийин бўлган шайхлардан илм олган ва олти саҳоба билан учрашган.

Бу киши ҳаётини илмга ва ибодатга бахшида этган. 30 йил намозни бир рақъатида хар куни 30 пора Қуръонни ўқиган ва доим 400 рақъатдан кўп нафл намоз ўқиган. Қуръон ва ҳадис илмини мукаммал ўрганиб илм чўққиларини эгаллаган ва кўплаб китоблар ёзган булардан:

«Ал-Фикҳ Ал-Акбар», «Ар-Рисола», «Ал-Алим вал-Мутаъаллим», «Ал-Фикҳ Ал-Абсат», «Ал-Васийя» ва бошқалар.

## Мукаллаф

Мукаллаф бу ҳар бир балоғатга етган, ақлли ва Ислом дини асоси яъни калимаи шаҳодатни эшитган инсондир. Агар инсон кофир бўлса дархол Калимаи Шаҳодатни айтиб Ислом динини қабул қилиш керак.

Эркак кишини балоғатга етганлигини маний келишидан билинади, агар бу ҳолат бўлмаса Ислом тақвими бўйича ўн беш ёшда балоғатга етган бўлади.

Аёлда балоғатга етганлигини ойда қон (ҳайз) келишидан ёки маний келишидан билинади. Агар бу ҳолат бўлмаса Ислом тақвими бўйича ўн беш ёшда балоғатга етган бўлади.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ( رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثٍ: عَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ، وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَحْتَلِمَ، وَعَنِ الْمَجْنُونِ حَتَّى يَعْقِلَ )

Маъноси: «Уч тоифа инсон ўз амалига жавоб бермайди. Ёш бола балоғатга етмагунча, уйкудаги инсон ўйғонмагунча ва ақлдан озган инсон тузалмагунча».

Имом Аҳмаддан ривоят қилинган.

Ислом инсон ҳаётини асосидир, уни билиши, Шариъатга амал қилиши, иймонини мустаҳкамлаши ва динини химоя қилиши керак.

Сура “Ал Ҳашр” Оят 18:

**قال الله تعالى : ( لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ )**

Маъноси: «Инсон Аллоҳдан яхши амали учун савоб олади ва ёмон амали учун Унга жавоб беради».

Имом 'Али айтган:

«Бугун амал эртага жавоб (хисоб)»

**Калимаи шаҳодатни биринчи гувоҳликни маъноси:**

**أشهد أن لا إله إلا الله**

Мен биламан, тан оламан, юракдан ишониб тил билан айтаманки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ибодатга лойиқ эмас. Аллоҳ Абдий ва Азалий. Уни Бошланиши ва Охири йўдир. У жойсиз, шаклсиз ва Уни йўналиш ҳамда масофа ўрамайди. Аллоҳни Борлигини шакл ва рангда ёки хаёлан тасаввур этиш мумкин эмас. Аллоҳ туғилмаган ва яралмаган, Уни чегараси йўқдир. Аллоҳ вақт билан боғлиқ эмас ва ўзгармайди. Аллоҳ энг олий қудрат эгаси, ёлғиз У куч ва иймон бергувчидир. Аллоҳга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аллоҳ барча нарсани Абдий бўлишидан олдин билади. У Кўргувчи ва Эшитгувчидир. Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди. Аллоҳ ва Сифатлари Абдий ўзгармайди. У Ёлғиз Яратгувчидир. Кичик заррадан то Ал Аршгача, ҳамда харакат, сукунат, фикр-ўйни, жонли- жонсиз нарсаларни ва бутун оламини Аллоҳ яратгандир. Табиат ёки бирор сабаб яратгувчи эмасдир. Ҳамма нарса Аллоҳни Иродаси, Қудрати ва Уни Абдий Билими билан яралган. Аллоҳ ҳеч нарсадан бутун борликни яратган.

**( يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَتَتَنظَرُ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لَغَدٍ )**

Маъноси: «Эй иймон келтирганлар Аллоҳдан кўрқинг, Шариъат Ҳукмларини бажаринг ва гуноҳ қилманг. Ўзингизга охиратга нима тайёрлаганингизга эътибор беринг».

Ҳадис:

**قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: (قال الله تعالى: و ما تقرب إلي عبدي بشئ أحب إلي مما افترضت عليه).**

Маъноси:

«Аллоҳга энг катта муҳаббат бу - инсон Аллоҳни ҳамма ҳукмини бажаришидир».

Имом Ал Бухарийдан ривоят қилинган.

Ҳадис:

**قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ( أفضل الأعمال إيمان بالله ورَسُولُهُ ) رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.**

Маъноси: «Амалларнинг энг афзали Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига ишонишдир».

Имом Ал Бухарийдан ривоят қилинган.

Иймон бу мусулмонларни энг асосий бойлигидир, чунки шу иймон сабабли инсон Аллоҳни Раҳмати ила охиратда омонликда бўлади. Бу дунёдаги ҳаёт инсон учун имтиҳондир. Инсон Аллоҳ буюрган ҳукмларни бажариши керак, чунки Охиратда бу дунёда қилган амали учун жавоб беради.

Сура “Ал Бақара” Оят 286:

## قال الله تعالى: ( وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ )

Сура Ал Фурқон Оят 2,  
Маъноси: «Аллоҳ ҳамма нарсани яратган, Аллоҳ Ёлғиз Яратгувчидир».

## قال الله تعالى: ( هَلْ مِنْ خَالِقٍ غَيْرُ اللَّهِ )

Сура Фотир Оят 3, маъноси: «Аллоҳдан ўзга Яратгувчи йўқдир».

Имом Ан-Насафий айтган:

فَإِذَا ضَرَبَ إِنْسَانٌ زُجَاجًا بِحَجَرٍ فَكَسَرَهُ، فَالضَّرْبُ وَالْكَسْرُ وَالْإِنْكَسَارُ  
بِخَلْقِ اللَّهِ تَعَالَى، فَلَيْسَ لِلْعَبْدِ إِلَّا الْكَسْبُ، وَأَمَّا الْخَلْقُ فَلَيْسَ لِعَبْدٍ إِلَّا اللَّهُ

Маъноси:

«Агар инсон тошни ойнага отса ва уни синдирса, бу холатлар яъни тошни хавода учиши, зарба ва ойнани синиши буларни барчасини Аллоҳ яратган. Инсон бу холатларни содир бўлишига сабабчи бўлди. Аллоҳдан ўзга Яратгувчи йўқдир».

Юқорида айtilган маълумотлар Аллоҳни Сифатларидан ўн учтасида намоёндыр. Булар кўп маротаба Қуръонда ва бошқа диний китобларда кайтариллади. Шунинг учун Аллоҳни бу Сифатларни хар бир мукаллаф билиши керак дейилган:

## Борлиги - الوجود

Аллоҳни Борлиги Абдий ва Азалийдир. Бошланиши ва Охири йўқдир. У жойсиз, шаклсиздир ва Уни олти йўналиш, масофа ўрамайди. Уни Борлигини бирор шакл ва рангда ёки хаёлан тасаввур қилиш мумкин эмас.

## Бирлиги - الوحدانية

Аллоҳни Бирлиги хисобдаги бир эмас, чунки хисобдаги бирга яна кўшиш ёки айириш мумкин. Бирлигини маъноси Аллоҳни ҳеч қандай шериги, ёрдамчиси ва фарзанди йўқ деганидир.

## Абдий - القدم

Аллоҳ Абдий ва Азалий. Бошланиши ва Охири йўқ. Бу Абдиятни Аллоҳга ҳеч ким бермаган, Аллоҳ Ўз-Ўзидан Абдийдир. Аллоҳдан ўзга ҳамма нарса яратилган ва бошланиши бор.

## Чексиз - البقاء

Аллоҳ Абдий ва Азалийдир. Бошланиши ва Охири йўқдир. Уни чегараси ва танаси йўқдир. Жаннат ва Дўзахни бошланиши бор, аммо Аллоҳни кудрати ила уларни охири йўқдир.

## Ўз ўзидан Абдий бор - القيام بنفسه

Аллоҳ Ўз Ўзидан Абдий бор. У яралмаган ва туғилмагандир, Аллоҳ вақт билан боғлиқ эмас ва ўзгармайди. У ҳеч ким ва ҳеч нарсага мухтож эмас ва ўлмайди.

## Қудратли - القدرة

Аллоҳ энг олий қудрат эгаси. Уни қудрати Абдий бўлиб ҳеч қачон ўзгармайди ва Унга ҳеч нарса тўсик бўла олмайди. Аллоҳ чарчаш, ўтириш, макон каби камчилик ва нуқсонлардан покдир.

### **Ирода – الإرادة**

Аллоҳни Иродаси Абадий ҳеч қачон ўзгармайди. У нимани бўлишини хоҳлаган у ходиса албатта бўлади ва нимани бўлишини хоҳламаган у ходиса ҳеч қачон бўлмайди. Зулм ёки яхшилик барчаси Аллоҳни Такдир, Иродаси билан бўлади.

### **Билгувчи – العلم**

Аллоҳни Билими Абадий ҳеч қачон ўзгармайди. У ҳамма нарсани бўлишидан олдин Абадий билади. Аллоҳ ўйлаш, унутиш, холат каби нуқсонлардан покдир.

### **Эшитгувчи – السمع**

Аллоҳ ҳамма нарсани Эшитгувчидир, Унга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. У қулоқсиз, масофасиз Эшитгувчидир.

### **Кўргувчи – البصر**

Аллоҳ барча нарсани Кўргувчидир, У кўзсиз, нурсиз, масофасиз Кўргувчидир. Унга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

### **Тирик – الحياة**

Аллоҳ Тирикдир. Уни ҳаётининг бошланиши ва охири йўқдир. Аллоҳни ҳаёти руҳ, қон ва танага муҳтож эмас ва ўлмайди.

### **Каломи – الكلام**

Аллоҳни Каломи Абадий тўхтамайди ва узилмайди. Уни Каломи сўз, товуш, харфлар эмас ва ҳеч бир

миллатга хос эмасдир. Худо тил, кўз, қулоқ каби аъзолардан покдир.

### **Ҳеч нарсага ўхшамайди – المخالفة للحوادث**

Аллоҳ ва Уни Сифатлари Абадий. Бу Сифатлар фақат Аллоҳга хосдир. У ҳеч нарсага ўхшамайди. Аллоҳни бирор нарсага ўхшатиш, тенглаштириш ва ҳаёлан тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

### **Калимаи шаҳодатни иккинчи гувоҳликни маъноси:**

#### **أشهد أن محمدا رسول الله**

Мен биламан, тан оламан, юракдан ишониб тил билан айтаманки Муҳаммад Аллоҳнинг Пайғамбаридир.

Муҳаммад 'алайҳиссалом 'Абдуллоҳ ўғли, 'Абдуль Муттолиб ўғли, хошим ўғли, 'Абду Манаф ўғли, Қурайш қабиласидан бўлиб барча инсонлар ва жинларга Пайғамбар этиб юборилгандир. У Муборак зот Макка шаҳрида таваллуд топган ва 40 ёшида Пайғамбарлик вахийсини олган. Мадина шаҳрига ҳижрат қилишган ва олтмиш уч ёшда дунёдан ўтишган, хотинлари Ойшани уйида Мадина шаҳрида кўмилган. Пайғамбаримиз ҳақгўйдир ва ниманики Аллоҳдан етказган бўлса барчаси ҳақдир. қабр азоби, қабрда Фаришталар Мункар ва Накир томонидан сўроқ бўлиши, ўлгандан кейин қайта тирилиш, қиёмат бўлиши, жазоланиш ва омонликда бўлиш, Дўзах ва Жаннат, Аллоҳни кўриш яъни жойсиз, шаклсиз, масофасиз (бу дунёда кўришдан ўзгача) кўриш.

Аллоҳга ишониш ва Уни Фаришталарига, Пайғамбарларига, Китобларига ҳамда яхшилик ва ёмонликни тақдир қилинганига ва Муҳаммад

алайҳиссалом охирги Пайғамбарлигига ишонишдир. У Муборак зот Одам 'алайҳиссаломни энг улуғ фарзандидир.

Яна шунга ишониш керакки барча Пайғамбарлар ақли, ҳақгўй, жасур ва инсонларга дардкаш бўлган. Барча Пайғамбарлар инсонларга Ислом динини ўргатган ва Пайғамбарлар ҳаммаси мусулмон бўлишган. Пайғамбарлик вахийсини олгунча ва олгандан кейин ҳам Аллоҳ пайғамбарларни гуноҳдан, куфрдан ва нодонликдан асраган. Пайғамбарлар агар бирор хатоликка йўл қўйса инсонлар уларни орқасидан эргашмасидан аввал дархол Аллоҳдан огохлатириш олишган. Пайғамбарлар инсонларни энг улуғидир, Пайғамбарларни энг улуғи Муҳаммад алайҳиссаломдир.

### Ислом ягона ҳақ диндир.

Сура «Ал 'Имрон» Оят 85:

قال الله تعالى: ( وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ  
وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ )

Маъноси:

“Кимки Ислом динидан ўзга динга ишонса ундан қабул бўлмади ва у Охиратда зиён кўргувчилардандир”.

Сура «Ал 'Имрон» Оят 19:

قال الله تعالى: ( إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ )

Маъноси: “Ҳақки Аллоҳ нозил қилган ягона ҳақ дин Исломдир”.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " ما من عبد قال لا إله إلا الله مستيقناً بها قلبه إلا دخل الجنة " رواه مسلم.

Маъноси: “Ҳар кимки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб тили билан айтиб қалби билан тасдиқласа (яъни Пайғамбарга нозил қилинган нарсаларга иймон қилса) муҳаққаҳки Жаннатга киради”.

Ислом сўзини маъноси Аллоҳга ишониш ва ибодат қилишдир. Барча Пайғамбарлар мусулмондир ва Ислом динида бўлишган. Пайғамбарлар инсонларни Исломга яъни Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ўргатган.

**Шариъат - Ислом қонунлари тўпламидир.**

Пайғамбарлар Аллоҳ буюрган Шариъатга амал қилишган. Мисол: Одам 'алайҳиссаломни Шариъатида ака сингилга уйланиши мумкин бўлган ёки намоз бир вақт ўқилган. 'Исо 'алайҳиссаломни Шариъатида намоз икки вақт фақат масжидда ўқилган ва рўзани бошқа ойда тутишган. Охирги Пайғамбар Муҳаммад 'алайҳиссаломдир ва Пайғабаримизга Аллоҳ буюрган Шариъатга амал қилиш ҳар бир мукаллафга фарздир. Ислом янги дин эмас, Ислом барча Пайғамбарларни динидир. Ер юзида 124000 Пайғамбар бўлган булардан 25 таси Қуръонда номлари айtilган. Мусулмонлар Аллоҳга ва У буюрган Ислом динига итоат этиб барча Пайғамбарларни тан олишади.

Сура «Ал Бақара» Оят 285:

قال الله تعالى: ( لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ )

Маъноси: «Аллоҳ Уни барча Пайғамбарларига ишонишга буюрди”.

Аллоҳ баъзи Пайғамбарларга китоблар нозил қилган. Ибн Ҳиббан ва Абу Зардан ривоят қилинишича илоҳий китоблар 104 та бўлган. Булардан 4 таси Қуръондан

бизга маълум. Куръон – Муҳаммад 'алайҳиссаломга, Тўро – Мусо 'алайҳиссаломга, Инжил – 'Исо 'алайҳиссаломга, Забур – Довуд 'алайҳиссаломга нозил бўлган.

Куръондан ўзга илоҳий китобларни асл нусҳаси ер юзидан йўқолиб кетган.

### Фаришта ва жинлар.

Фаришталарни Аллоҳ нурдан яратган. Уларни барчаси мусулмон ва Ислом динидадир. Фаришталарни жинси йўқ ва кўпаймайди. Улар таом, сув истеъмол қилишмайди ва чарчашмайди. Улар осмонларда яшайдилар ҳамда гуноҳ, куфр қилишмайди. Фаришталар Аллоҳ буюрган вазифаларни бажаришади. Мисол, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбарларга ваҳий келтирган, Мункар ва Накир Фариштаси инсонларни қабрда сўроқ қилади, Малик Фариштаси дўзах кўрикчисидир ва улар шунга ўхшаш вазифаларни бажаришади. Фаришталарни қанотлари бор ва шакли катта кичик. Фаришталарни миқдорини фақат Аллоҳ билади, инсон ва жинларга нисбатан Фаришталар жуда кўпдир.

Аллоҳ жинларни оловдан яратган, уларни жинси бор туғилади ва ўлади. Жинларни ичида мусулмон ва кофирлари бордир. Кофир жинларни шайтон дейилади.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "خلقت الملائكة من نور، وخلق الجان من نار" رواه الإمام مسلم.

Маъноси: “Аллоҳ Фаришталарни нурдан яратган ва жинларни оловдан яратгандир”. Имом Муслимдан ривоят қилинган.

### Куфр ҳақида маълумот.

Куфр бу инсонни Ислом динидан чиқарувчи оғир гуноҳдир.

Сура «Ат-Тавба» Оят 65, 66:

( وَلَئِن سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَحْوَضُ وَنَلْعَبُ قُلْ أَبِإِلَهِهِ وَعَآيَاتِهِ وَرَسُولِهِ كُنْتُمْ تَسْتَهْزِؤْنَ. لَا تَعْتَدِرُوا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ )

Маъноси:

«Агар сен улардан сўрасанг айтадилар, Биз эндигина суҳбатга берилди бошладик. Айтгин, сизлар Аллоҳ ва Уни Оятларини ва Пайғамбарни ҳақоратладингиз, ўзингизни оқламанг энди сизлар иймонсиз бўлдингиз иймонли бўлганингиздан сўнг”.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "إن العبد ليتكلم بالكلمة لا يرى بها بأساً يهوي بها في النار سبعين خريفاً" رواه الترمذي.

Маъноси: «Ҳаққи инсон ўйламай бир сўзни айтадида ва шу айтган сўзи учун дўзахни етмиш йиллик қаърида бўлади, бу жой кофирларга тайёрланган”.

Бу Оят, ҳадислардан хулоса шуки Аллоҳни, Пайғамбарларни ва Ислом Шариъатини ҳақоратловчи сўзлар, амаллар ва қалбдаги тасавурлар куфр яъни инсон бу гуноҳ орқали диндан чиқиб кофир бўлади.

### Қуйидаги сабаблар инсонни куфрдан асрамайди:

1. Билимсизлик инсонни куфрдан асрамайди.

Мисол. Агар кимки Аллоҳ осмонда Ал -‘Аршни устида деб ўйласа ёки гапирса Ислом динидан чиқади. Агар кимки бирор Пайғамбарни дини Исломдан ўзга бўлган деб ўйласа ёки Ислом Шариъатида ҳаром бўлган ва инсонлар яхши биладиган ўғирлик, зино, маст қилувчи

ичимликлар ва шу каби тақиқланган нарсаларни ҳалол деб айтса ёки ўйласа Ислом динидан чиқади. Юқорида кўрсатилган мисолларда ва шу каби ҳолатларда инсонни билимсизлиги уни куфрдан асрамайди.

2. Инсон куфр сўзни гапириб шу сўзини қалбан тан олмасда Ислом динидан чиқади.

Мисол. Кимки ароқ ёки бошқа ҳаром нарсани истеъмол қилиш мумкин деб гапирса ва ўзини оқлаш учун мен юрагимда биламан буни ҳаромлигини фақат кимгадир ҳазил қилиб айтдим десада бу куфрдир, Ислом динидан чиқади. Кимки бирор кишига Худони ўғли деса ёки инсонлар Худони болалари деса куфрдир. Айтган сўзини ҳурмат тарзида у инсонни севганим учун айтдим десада куфрдир Ислом динидан чиқади.

3. Ҳазил ёки жаҳл инсонни куфрдан асрамайди.

Мисол. Бир мусулмон жаҳл билан хизматкорини урар эди. Унга бир инсон айтса Худодан кўрқгин бунчалик унга азоб берма нима сен мусулмон эмасми?! деб унга савол берса. У яъни жаҳл билан хизматкорини жазолаётган инсон саволга тушиниб туриб «йўк» деб жавоб берса Ислом динидан чиқиб кофир бўлади. Кимки мен кофирман деса, ёки айтсаки мен мусулмон эмасман деса куфрдир Ислом динидан чиқади.

Ҳадис, маъноси:

«Иймон инсонни қалбида бўлади. Уни иймони сўз ва амалида тасдиқланиб яъни кўриниб туради».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Изоҳ: мусулмон Ислом Шариъатига зид сўзларни айтмаслиги ва ёмон гуноҳ, куфр амаллар қилмаслиги назарда тутилган. Мусулмонни қалби, сўзи ва амали иймонига ва Ислом Шариъатига мос бўлиши керак.

## Куфр турлари

Имом Ан-Нававий ҳамда Ҳанафий ва Шофиъий олимлари айтгандек куфр уч турга бўлинади.

Булар сўзда, амалда, қалб тасаввурида содир бўлиши мумкин.

### Қалбдаги куфр турларидан баъзилари:

Кимки Аллоҳни борлигига шубҳаланса ёки Пайғамбарларга, Қуръони Каримга, Ислом динини ҳақлигига, Қиёмат кунига, Дўзах ва Жаннатга ёки шу каби нарсаларга ишонмаслик ва шубҳаланиш куфрдир. Кимки Аллоҳни осмонда ёки ҳавадай ҳамма жойни тўлдириб туради деб ўйласа куфрдир. Бу дунёни абадий деб ўйлаш куфр. Ислом олимлари айтган Аллоҳни Сифатларидан бирига гумон қилиш куфрдир. Аллоҳни танаси, юзи, чегараси ва шу каби нуқсонлари бор деб ўйлаш куфр. Шариъатда ҳаром этилган ва мусулмонлар яхши билган ўғирлик, зино, маст қилувчи ичимликларни ва шу каби ишларни ҳалол деб ўйлаш куфрдир. Шариъатда ҳалол этилган никоҳ, тижорат ва шу каби ишларни ҳаром деб ўйлаш куфрдир.

Шариъатда буюрилган нарсаларни намоз ва уни рукнларидан бирини, Закот, Рўза, Ҳаж, Таҳорат ва шу каби нарсаларга гумон қилиш ёки ишонмаслик куфрдир.

Ислом динидан ўзга оқимларни иймонли деб ўйлаш ва тақдирга ишонмаслик куфрдир. Бирор ходисани Аллоҳни Иродасидан ташқари бўлади деб ўйласа куфрдир. Исломда фарз бўлмаган нарсаларни фарз деб айтиш ёки Шариъатни тан олмаслик куфрдир. Куфрга

келажакда ният қилиш ёки куфрни севиш, оқлаш куфрдир. Мисол кимки кофир бўлишни орзу қилса ёки бир йилдан кейин насроний бўламан деса ўша онда Ислом динидан чиқиб кофир булади.

Ислом олимлари Пайғамбар деб тан олган бирор Пайғамбарни тан олмаса ёки бирор Пайғамбарни дини бошқа бўлган деб ўйласа куфрдир. Ислом янги дин, деб ўйласа бу куфрдир. Исломдан бошқа ҳақ дин бор деб ўйласа ёки мусулмонлардан ўзгаларни иймонли улар ҳам Худога ишонади деб ўйласа куфрдир.

Қуръон ёки уни харфларини тан олмаслик ва Қуръонда йўқ харфларни ўжарлик билан бор деб айтиш куфрдир. Пайғамбарларни ўзини ва исмларини ҳақоратлаш, камситиш куфрдир.

Агар бундай куфр хаёллар инсонни истагисиз хаёлига келса бу куфр эмас, бу фикрларни дилдан хайдаш керак.

**Амалдаги куфр турларидан баъзилари:** куёшга, ойга, будларга ва шу каби нарсаларга ибодат қилса, инсонга ибодат тарзида сажда қилса куфрдир. Қуръонни ёки Ислом ҳақида маълумотлар ёзилган китоб ва қоғозларни ахлатга ташлаш куфрдир. Куфр амални қилаётган кишига ёрдам бериш, бировни куфрга мажбурлаш ва ўргатиш куфрдир. Мисол, крестларни (хочларни) сотиш ва (билсаки кофирлар шу нарсаларга сиғинишини) ҳадя қилиш куфрдир. Бировга Аллоҳни, Исломни, Намозни ва шу кабиларни ҳақоратлашни ўргатса ёки Қуръонни ахлатга ташлашга бировни мажбурласа ва шу каби амаллар куфрдир. Кофирни

Исломни қабул қилишдан тўхтатиш (яъни эртага, билмадим, вақтим йўқ деб бир онга) куфрдир.

### **Сўздаги куфр турларидан баъзилари.**

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من قال لأخيه المسلم يا كافر فقد باء بها أحدهما" رواه الإمام مسلم.

Маъноси: «Кимки ўз мусулмон биродарига эй сен кофир деса, улардан бири кофирдир».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Кимки Мусулмонга сабабсиз сен кофир, атеист, насроний, яхудий деса куфрдир. Аллоҳни ва Уни Исmlарини, ваъда ҳамда огохлантиришларини масхара қилиш ва ҳақоратлаш куфрдир. Кимки Аллоҳдан кўрқмайман. Кимки Аллоҳ мени камситган ёки зулм қилган деса ёки намоз ҳам иш бўлдим деса куфрдир. Кимки ҳақоратлаб ёки масхара қилиб Жаннатни сотиб оламан деса куфр. Барча мусулмонлар гувоҳ бўлсада ишонмайман деса куфрдир. Кимки мусулмон биродарига сендан хайвон яхшидир деса куфрдир.

Суннат амалларни ҳақорат қилса ёки тан олмаса куфрдир. Кимки Аллоҳни ва Фаришталарни, Пайғамбарларни, Ислом Шариятини ҳақоратлаш куфрдир. Қуръон Оятларини ҳақорат қилиб ўқиш ёки бир инсон мен Аллоҳни танитайман деса куфрдир.

Кимки намоз ўқиганимдан бери яхшилик кўрмадим ёки бойлигим кўпаймади деса куфрдир. Кимки яна намоз ўқисам зинокор бўлай деса ёки фарзандим ўлса Аллоҳни ва Фариштани ҳақорат қиламан деб шу каби сўзларни айтиб қасам ичса Ислом динидан чиқади бу куфр. Кофирга Аллоҳ сени кечирсин деса ёки севсин

деса, ҳамда ўлган кофирга дуо ўқиш куфрдир. Кимки бировга сен Худосан деса ёки сени Худодан ортик севаман деса куфрдир. Кимки кофирлар тўпланадиган жойни масжид ва Байтуллоҳ (яъни маъноси Худога ибодат қиладиган жой) деса куфрдир. Кимки Аллоҳни инсонлар каби мени дўстим деса куфрдир. Кимки мен Пайғамбарни душманман деса ёки Ислому Шариъатида ҳаром этилган нарсаларни ҳалол деса Ислому диндан чиқади. Ислому олимлари куфр турларига кўп мисоллар беришган ва огоҳ бўлишга ўргатишган. Шунинг учун инсон куфр турларини билиши ва ўз иймонини асраши керак. Кимки гуноҳни билмаса доим унга яқин бўлади.

#### **Қоида:**

Аллоҳни ва Унинг Исм ҳамда Сифатларини, Пайғамбарларни, Китобларни, Фаришталарни ва Ислому Шариъатини ҳақоротловчи сўзлар, амаллар ва қалбдаги эътиқод куфрдир. Огоҳ бўлинг!

#### **Куфр учун тавба қилиш**

Ҳар бир куфр сабабли Ислому диндан чиққан инсон динга қуйидагича қайтиши керак:

Дарҳол куфр сўз, амал ёки тасаввурни тўхтатиб Ислому қабул қилиш нияти билан калимаи шаҳодатни қайтариш керак.

أشهد أن لا إله إلا الله و أشهد أن محمداً رسول الله

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ Муҳаммад Уни Пайғамбаридир деб, араб тилида ёки ўзига тушинарли бўлган тилда шу маънони берадиган сўзни айтиши мумкин.

қалбдан қилган гуноҳи учун афсусланиб, қайта куфрга қайтмасликка ният этиш керак. Калимани айнан Исломуни қабул қилиш нияти билан қайтариш керак, бўлмаса кофир холида тураверади ўзини минг бор мусулмонман деса ҳам.

Агар инсон калимани қайтариб Исломуга қайтмаса уни огохлантириш ва тушинтириш зарур. Агар ўжарлик қилиб Исломуга қайтмаса кофирни Халифа ишончли икки гувоҳга асосланиб ёки кофирни ўзини сўзидан жазолайди. Агар инсон бирор куфр орқали диндан чиқса уни рўзаси, таяммуми ва никохи бузилади. Бундай инсон сўйган хайвон гўштини истеъмол қилиш мумкин эмас. У ўлса жаназа ўқилмайди ва ювилмайди ҳамда кафан ўраб мусулмонлар қабристонига кўмилмайди.

#### **Мукаллафни мажбурияти**

Ҳар бир мукаллаф Аллоҳ буюрган ҳамма мажбуриятларни бажариши керак. Ислому Шариъатида қандай буюрилган бўлса шундай бажариши керак. Агар ўзгаларда хатолик кўрса уларга ўргатиш, Шариъатга амал қилмаган кимсаларни имкони етса мажбурлаш керак. Агар имкон бўлмаса уларни гуноҳини қалбан тан олмаслиги керак. Бу уни охирги мажбурияти.

**Ҳаром** бу гуноҳдир, гуноҳ қилганлар учун Аллоҳ жазо ваъда қилган, гуноҳдан қайтганлар учун юқори мартабалар ваъда қилган.

**Фарз** бу Аллоҳ инсонларга буюрган мажбуриятлардир. Бу фарзларни тўғри бажарганларга юқори мартабалар ваъда қилган, бажармаганларга жазо ваъда қилган.

### Муҳкамат ва Муташабиҳат Оятлар ҳақида

Сура «Ал 'Имрон» Оят 7:

قال الله تعالى: ( هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ )

Маъноси: «Аллоҳ Пайғамбарга Қуръон нозил қилди, унда Муҳкамат ва Муташабиҳат Оятлар бордир»

Қуръон Оятлари икки турда яъни Муҳкамат (бир маъноли Оятлар) ва Муташабиҳат Оятлардир. Муташабиҳат Оятларни тўғри тушиниш ва тавҳидга мослаб тафсир қилиш керак.

### Муҳкамат Оятлардан баъзилари

Сура Аш-Шўро Оят 11:

قال الله تعالى: ( لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ )

Маъноси: «Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди».

Сура Ал Ихлос' Оят 4:

قال الله تعالى: ( وَلَمْ يَكُن لَّهُ كُفُوًا أَحَدٌ )

Маъноси: «Аллоҳга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ».

### Муташабиҳат Оятлардан

Сура «Ал Бақара» Оят 115:

قال الله تعالى: ( وَلِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَأَيْنَمَا تُوَلُّوا فَثَمَّ وَجْهٌ )

Маъноси: «Қайси тамонга қарасангиз шу йўналиш сиз учун қибла». Бу Оятда «важҳ» сўзи қибла маъносида

келган сафарда нафл намозини ўқиш учун. Агар кимки Аллоҳ юзи бор деса бу куфрдир.

Имом Абу Жа'фар Ат-Таҳавий айтган:

"ومن وصف الله بمعنى من معاني البشر فقد كفر"

Маъноси: «Кимки инсонда бор тана ва узгариш каби ҳолатларни Аллоҳда бор деса у кофирдир».

Сура «Тоҳа» Оят 5:

( الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى )

Маъноси: «Аллоҳ Ал Аршни устидан ҳам Ҳукумрондир, шундай экан қолган нарсалар ҳам Уни Ҳукми остидадир».

«Истава» сўзини араб тилида ўн бешдан ортиқ маънолари бордир. Бу Оятда истава сўзи «Ҳукумронлик» маъносида келган. Агар кимки Аллоҳ осмонда ёки Ал 'Аршни устида ўтирибди, макон, жой эгаллади деса бу куфрдир.

Имом 'Али айтган:

قال الإمام علي رضي الله عنه: " إن الله خلق العرش إظهاراً لقدرته ولم يتخذه مكاناً لذاته " رواه أبو منصور البغدادي التميمي في كتابه "الفرق بين الفرق".

Маъноси: «Аллоҳ Ал 'Аршни ўз қудратини кўрсатиш учун яратган, асло ўзига жой, макон қилиб эмас».

Имом Абу Мансур Ал Бағдодий «Оқимлар фарқи» номли китобида ёзган.

Имом Абу Жа'фар Ат-Таҳавий айтган:

قال الإمام أبو جعفر الطحاوي رضي الله عنه: " تعالى (أي الله) عن الحدود والغايات والأركان والأعضاء لا تحويه الجهات الست كسائر المبتدعات "

Маъноси: «Аллоҳ чегара, ниҳоя ва тана аъзолардан покдир. Уни олти йўналиш, масофа ўрамайди».

Имом 'Абдул -Ғаний Ан-Набулсий айтган:

قال الإمام عبد الغني النابلسي رضي الله عنه: "من اعتقد أن الله ملاً السموات والأرض أو أنه جسم قاعد فوق العرش فهو كافر وإن زعم أنه مسلم "

Маъноси: “Кимки Аллоҳ осмону ерни тўлдириб туради деса ёки Аллоҳ Ал 'Аршни устида ўтиради деса бу инсон кофирдир, ўзини мусулмонман деса ҳам”.

Сура «Ан-Наҳл» Оят 50:

قال الله تعالى: ( يَخَافُونَ رَبَّهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ )

Маъноси: «Улар устларидан Ҳукумрон Аллоҳдан кўрқишади»

Бу Оятда «фавқ» сўзи жой ва макон маъносида эмас, «Ҳукумронлик» маъносида келган. Барчамизга маълумки дуо қилганда кўлларни кафтини юқорига қаратамиз, чунки Аллоҳ самоларни улуғ қилди, у жойлардан Аллоҳни Раҳмати ёғилади. Кимки Худо осмонда ёки юқорида деб айтса ёки шундай эътиқод қилса куфрдир.

Имом Аҳмад Ар-Рифаъий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) шундай деган:

قال الإمام أحمد الرفاعي رضي الله عنه:

" غاية المعرفة بالله الإيقان بوجوده تعالى بلا كيف ولا مكان "

Маъноси: “Аллоҳни Борлигини ва У жойсиз, шаклсизлигини тан олиш ва ишониш Аллоҳ ҳақидаги энг олий билимдир”.

Сура «Ан-Нур» Оят 35:

قال تعالى: ( الله نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ )

Маъноси: «Аллоҳ осмону ва ерда яшовчиларга иймон нуруни кўрсатди», яъни осмонларда Фаришталар ва ерда айрим инсон ва жинлар иймонлидирлар. Кимки Аллоҳ нур, ёруғлик деб ўйласа Ислом динидан чиқади.

Сура «Ал 'Имрон» Оят 54:

قال الله تعالى: ( وَمَكْرُؤًا وَمَكْرَ اللَّهِ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَاكِرِينَ )

Макр – бу айёрлик, зулм ва ўзгаларни алдаб зарар етказишдир. Аллоҳ макр қилгувчиларни жазолайди.

Худо макр ёки хийла қилади деб ўйлаш ёки Аллоҳга нисбатан яратилганларни сифатини бериш инсонни Ислом динидан чиқаради.

Аллоҳ яратилганларга ўхшамайди.

Сура Ан-Наҳл Оят 60:

قال الله تعالى: ( وَلِلَّهِ الْمَثَلُ الْأَعْلَى )

Маъноси: “Аллоҳ ва Уни Сифатлари яратилганларни сифатига ўхшамайди”.

Сура «Аш-Шўро» Оят 11:

قال الله تعالى: ( لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ )

Маъноси: «Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди”.

Аллоҳ Яратгувчидир, У яратган жонсиз нарсалардан хаво, нур, олов, ер ва осмон, масофа, чегара, вақт ва шу

кабилардир. Жонли нарсалар Фаришталар, жинлар, инсонлар ва хайвонлар. Буларни шакли, рухи, тана аъзолари бор бўлиб, булар яратилган махлуқотлардир. Ўйлаш, ўтириш, макр, хийла, макон, ўзгариш ва шу каби холатлар яратилганларни сифатидир. Кимки шу каби нуқсонларни Аллоҳда бор деб ўйласа ёки гапирса Ислом динидан чиқади, чунки Худо Яратгувчидир ва ҳеч нарсага ўхшамайди. Қуръонда «яд», «важҳ», «айна» ва шу каби сўзлар келган. Бу сўзларни Худога нисбатан қўл, юз, кўз деб ўйлаш ёки айтиш куфрдир. Бу сўзлар умуман бошқа маъноларда келган. Мисол, подшоҳ шаҳарни қўлга киритди, сарой хам уни қўлида. Бу сўзда қўл тана аъзоси сифатида эмас, бошқа маънода келган. Яъни подшоҳ шаҳарни ва саройни эгаллаганлигини билдирмоқда. Қуръон ҳақ бунга гумон йўқ, лекин ҳозирги вақтда Ислом ҳақида нотўғри маълумотлар ёзилган китоблар ва Қуръон таржималари жуда кўплаб тарқалмоқда. Аллоҳ Абдий бор ва ҳеч нарса йўқ эди, У бутун оламни Яратди ва Аллоҳ ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож эмас. Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди ва У вақт билан боғлиқ эмас ва ўзгармайди.

Имом Зуннун Ал-Мисрий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) шундай деган:

قال ذو النون المصري رضي الله عنه: مهما تصورت ببالك فالله بخلاف ذلك

Маъноси: “Хаёлингда нимани тасаввур этсанг Аллоҳ унга ўхшамайди”.

Имом Абу Ҳанифа айтган:

قال الإمام أبو حنيفة رضي الله عنه: "فصفاته غير محدثة ولا مخلوقة, والتغير والاختلاف في الأحوال يحدث في المخلوقين, ومن قال إنها محدثة أو مخلوقة أو توقف فيها أو شك فيها فهو كافر"

Маъноси: “Аллоҳ ва Уни Сифатлари яратилмаган ва пайдо бўлмаган. У Абдий Бошланиши йўқ. Ўзгариш яратилганларни сифатидир. Кимки Аллоҳни Сифатлари яратилган, ўзгаради деса ёки гумон қилса у кофирдир”.

### Илмни афзаллиги

Ҳадис:

"طلب العلم فريضة على كل مسلم" رواه البيهقي.

Маъноси: «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмонга фарздир».

Имом Ал Байҳақидан ривоят қилинган.

Имом Абу Бакр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтган:

قال الإمام أبو بكر رضي الله عنه: "من دخل القبر بلا زاد كالذي ركب البحر بلا سفينة"

Маъноси: “Илмсиз инсон денгизни кемасиз сузиб ўтмоқчи бўлган инсон кабидир”.

Имом 'Али айтган:

قال الإمام علي رضي الله عنه: "العلم يحرسك أما المال أنت تحرسه"

Маъноси: «Инсон бойликни қўриқлайди, дин илми инсонни қўриқлайди”.

Инсон дин илмини фақат китобдан эмас, тавҳид илмини яхши билган илмли устозлардан ўрганиши керак. Чунки илм ва тақво инсонни иймонини мустаҳкамлайди. Фақат орзу ҳавас билан инсон илмли

бўлмайди. Инсон диндан чиқиб шу холида яъни кофир бўлиб дунёдан ўтса абадий дўзахда бўлади. Илмсизлик ва Шариъат қонунларини билмаслик инсонни жавобгарликдан асрамайди.

Сура «Ан-Ниса» Оят 138.

قال الله تعالى: ( لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيُغْفِرْ لَهُمْ )

Маъноси: “Аллоҳ кофирларни асло кечирмайди”.

### **Яна шундай ходисалар борки, бу ҳолатларда инсон диндан чиқмайди:**

1. Инсон ихтиёрсиз сўзларни айтиб юборса. Мисол: Инсон «ё Худо мен сени кулингман Сен мени Роббимсан» деб айтмоқчи бўлдида, гапирганда адашиб ихтиёрсиз аксини айтиб юборса бу куфр эмас.

2. Бировлар айтган сўзларни қалбдан тан олмай огохлантириш учун айтса.

Мисол: «Насронийлар Худони ўғли бор» деб айтади деса куфр эмас. Аммо куфрни ким айтгани ёки ёзганини сўзни бошида айтиш керак ёки гапни охирида айтаман деган нияти бўлиши керак. Агар ўз номидан айтса куфрга тушади.

3. Мисол:

Инсонга ўлимни даво қилиб куфрга мажбурласа, инсон бу ҳолатда куфрни айтиб ва айтган сўзини қалбан тан олмай ҳамда ўзидан қўшмаса ва ўзгартирмаса куфр эмас.

4. Мисол:

Инсон ухлаганда ёки ақл хушини йўқотган ҳолда куфр қилса диндан чиқмайди. (куфрга тушмайди).

### **Тақдирга ишониш.**

Ҳадис Қудсий:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : قال الله تعالى :  
"يا محمد إني إذا قضيت قضاء فإنه لا يرد" رواه مسلم ( حديث  
قدسي ).

Маъноси: «Аллоҳ Таоло айтди: «Эй Муҳаммад нима тақдир қилинган бўлса ҳеч қачон ўзгармайди”».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Тақдирга ишониш иймонни бир қисмидир. Худони Иродаси ҳеч қачон ўзгармайди. Агар кимки тақдирга ишонмаса, шубҳаланса ва тақдир инсонни ўз ихтиёрида деб ўйласа бу куфрдир.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : "إذا ذكر القدر فأمسكوا"  
رواه الطبراني

Маъноси: «Агар гап тақдир ҳақида борса тўхтатинг»

Имом Ат-Табаронийдан ривоят қилинган.

### **Хулоса**

Кимки Аллоҳ ва Уни Пайғамбари ҳақида эшитган ва калимаи шаҳодатни умрида бир маротаба айтиб қалбан тан олган бўлса у мусулмондир.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " الإيمان أن تؤمن بالله  
وملائكته وكتبه ورسوله واليوم الآخر وأن تؤمن بالقدر خيره وشره  
" رواه مسلم

Маъноси:

«Иймон – бу Аллоҳга ва Уни Фаришталарига, Пайғамбарларига, Китобларига, Қиёмат кунига ва яхшилик ва ёмонликни тақдир қилинганига ишонишдир».

Имом Муслимдан ривоят қилинган.

Калимаи шаҳодатни тили билан айтиб, қалби билан тан олмаган ёки шубхаланган бўлса у инсон мунофиқ, кофирдир.

Сура «Ан-Ниса» Оят 145:

**قال الله تعالى: (إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ)**

Маъноси: «Хаққи мунофиқлар (кофирлар) дўзахни энг қаъридадирлар».

Кимки дунёдан мусулмон бўлиб ўтса ва гуноҳлари учун тавба қилмаган бўлса, баъзи гуноҳкорларни Худо хоҳласа кечиради, улар азобсиз Жаннатга киришади, баъзи гуноҳкорлар Дўзахда азоб олиб кейин Жаннатга киришади. Гуноҳкор мусулмон Дўзахда абадий қолмайди.

Ҳадис:

**" يخرج من النار من قال لا إله إلا الله وفي قلبه وزن ذرة من إيمان " رواه البخاري.**

Маъноси: «Кимки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деган бўлса ва қалбида заррадай иймон бўлса, бундай инсон Дўзахдан чиқади».

Имом Ал Бухорийдан ривоят қилинган.

Кофирлар Дўзахда абадий қоладилар, уларга қабрда ҳам Дўзахда ҳам енгиллик бўлмайди.

Сура «Ан-Ниса» Оят 138:

**قال الله تعالى ( لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيَغْفِرْ لَهُمْ )**

Маъноси: «Аллоҳ кофирларни асло кечирмайди».

**Гуноҳ учун тавба қилиш.**

Ҳар бир мусулмон гуноҳлари учун қуйидагича тавба қилиш керак.

Гуноҳ сўз ёки амални тўхтатиш.

Қалбдан қилган гуноҳлари учун афсусланиб тавба қилиш. Қайта гуноҳга қайтмасликка ният қилиш.

Агар бу гуноҳ фарз амаллар масалан намоз, рўза, закот, Ҳаж билан боғлиқ бўлса қазоларни бажариш шарт. Агар бу гуноҳ ўзгаларни хаққи бўлса ёки сабабсиз кимгадир зулм, дилозорлик қилган бўлса, ўзгаларни хаққини қайтариш ва узр сўраш керак.

Ҳадис:

**قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:**

**" التائب من الذنب كمن لا ذنب له " رواه ابن ماجه.**

Маъноси:

«Гуноҳлари учун тавба қилган инсон гуноҳсиз инсон кабидир».

Ибн Мажадан ривоят қилинган.

**Мовлид хақида маълумот.**

Мовлид ва Пайғамбарни таваллуд топган кунини нишонлаш булар Исломда янгиликдир. Мовлид биринчи бор хижрий еттинчи асрида Ирбил подшохи Абу Са'ид Кавкабри ибн Зайнуддин 'Али ибн Бақтакин томондан бошлангандир. У жуда тақводор, илмли ва жасур бўлган. Араблар уни жасурлиги учун «Музаффар» деб айтишган. У Мовлид маслаҳати учун замонасидаги Ислом олимларини тўплаган ва уларни фикрини билган. Уламолар Мовлид қилиш мумкин деб тан олишган. Мовлид Пайғамбар давридан уч асрдан сўнг бошланган ва бошқа давлатларга тарқалган.

Исломда янгилик икки турга бўлинади. Биринчиси яхши янгилик яъни Қуръон ва ҳадисга зид бўлмаган. Иккинчиси ёмон янгилик булар баъзи хақ йўлдан

адашган оқимлар ва Ислом хақидаги нотўғри маълумот ва китоблардир.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من سن في الإسلام سنة حسنة فله أجرها و أجر من عمل بها بعده من غير أن ينقص من أجورهم شئ و من سن في الإسلام سنة سيئة كان عليه وزرها و وزر من عمل بها من بعده من غير أن ينقص من أوزارهم شئ " رواه الإمام مسلم

Маъноси:

«Кимки Исломга яхши янгилик олиб кирса у кишига ва унга эргашганларга савобдир. Доим шу яхши амал қайтарилганда бошлаган инсонга савоб етиб туради. Кимки Исломга ёмон янгилик олиб кирса у кишига ва унга эргашганларга гуноҳдир. Доим шу ёмон янгилик қайтарилганда у бошлаганга ҳам гуноҳи етиб туради».

Имом Жарир ибн 'Абдуллоҳ Ал Божалийдан ривоят қилинган.

### **Тавассул бу Пайғамбар ёки Авлиёлар орқали дуо қилиш.**

Исломда Тавассулни таъқиқловчи ҳеч қандай асос ва далил йўқдир. Аллоҳга Пайғамбар ва Авлиёлар орқали дуо қилиш ёки улар қабрини зиёрат қилиш қуфр ва ширк эмас. Мусулмонлар яхши билишадик, фақат Аллоҳ Яратгувчидир, лекин ўша зиёрат ва дуолар сабаб бўлиши мумкин. Инсонлардан ёрдам сўраш ёки Тавассул қилиш ибодат эмас. Ибодат – бу Аллоҳга энг олий ишонч ва қалбан холис итоатдир. Тавассулни ҳақлигига қўйидаги ҳадис яна бир далилдир.

«Умар Ҳалифалиги даврида курғоқчилик бўлди. Бир одам Пайғамбарни қабрига келиб: «Эй Пайғамбар Худодан умматинг учун дуо қилиб ёмғир сўра, йўқса улар нобуд бўлишади» деб дуо қилди. Кейин у киши тушида Пайғамбарни кўрди ва Пайғамбар унга деди: «'Умарга мендан салом айт, у яна ҳам шижоатли, топқир бўлсин ва уларга айтгин ёмғир бўлади». Бу сўзларни 'Умар тинглаб «Ё Аллоҳ кучим борича ҳаракат қиламан» деди. Пайғамбарни қабрида дуо қилган киши саҳоба Билол ибн Ал Ҳарис Ал Музанний эди. Ҳалифа 'Умар ёки бошқа саҳобалар Тавассулни ширк деб айтмаган ва таъқиқламаган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من زار قبري وجبت له شفاعتي " رواه الدارقطني.

Маъноси: «Кимки қабримни зиёрат этаркан у Шафоатимга сазовордир»

Имом Ад Дароқутнийдан ривоят қилинган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " اقرءوا يس على موتاكم " رواه أبو داود.

Маъноси: «ўлганларга Ёсинни ўқинглар».

Имом Абу Доуддан ривоят қилинган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " اللهم بحرمة هذا الولد ارحم هذا الوالد "

Ал 'Аршда Мухаммад 'алайҳиссаломни номларини кўриб, Одам алайҳиссалом шундай дуо қилган»  
Маъноси: «Эй Худо шундай улуғ ўғлим хаққи мени кечиргин».

Ҳадис, маъноси: «Хаққимга дуо қилинг ва саловат айтинг хаққи бу дуоларинг гуноҳларини кечирилишига сабаб бўлади ва сизларга савоб бўлади. Кимки хаққимга бир маротаба дуо қилса унга Аллоҳ ўн маротаба кўп савоб беради».

Имом Ибн Абу 'Асимдан ривоят қилинган.

Бу ҳадислардан хулоса шуки қабрни зиёрат қилиш ёки дуода Пайғамбар ва Авлиёларни номини айтиш мумкин. Булар сабаб, фақат Аллоҳ Яратгувчидир.

### **Никоҳ ҳақида маълумот**

#### **Никоҳнинг шартлари:**

1. Никоҳ пайтида қизни отаси (ёки Шариъат бўйича кимга мумкин бўлса ёки вакилни) иштирок этиши.
2. Икки гувоҳ.
3. Қизда никоҳ учун тўсиқ бўлмаслиги керак. (Яъни идда муддати тугамаган аёл бўлмаслиги керак.)  
Мусулмон йигит мусулмон, насроний, яхудий қизга уйланиши мумкин. Мусулмон қиз фақат мусулмонга турмушга чиқиши мумкин.

#### **Қизни турмушга бергувчи отаси ёки вакил учун шартлар:**

1. Мусулмон бўлиши.
2. Эркак киши бўлиши.
3. Балоғатга етган бўлиши.
4. Қул бўлмаслиги.

5. Руҳан соғлом бўлиши.

#### **Гувоҳ учун шартлар**

1. Мусулмон бўлиши.
2. Эркак киши.
3. Қул бўлмаслиги.
4. Балоғатга етган.
5. Руҳан соғлом бўлиши.

Гувоҳлар никоҳда айтилаётган тилни тушиниши ҳамда қизни исмини ва отасини исмини билиши керак.

#### **Никоҳ қилиш**

Қизни турмушга бераётган отаси ёки вакил айтади: «Мен қизимни шунча маҳр эвазига сенга хотинликка бердим» Йигит айтади: «Мен қизингни шунча маҳр эвазига хотинликка олдим». Маҳрни айтиш суннатдир, агар айтмаса ҳам никоҳ тўғридир.

Ҳанафий мазҳаби бўйича икки гувоҳ олдида қизни ўзи ҳам айтиши мумкин. Мисол қиз йигитга айтади: «Мен ўзимни сенга хотинликка бердим», йигит қизга: «Мен сени хотинликка олдим» деб айтади. қизга Ислом тавқими бўйича 18 ёш бўлиши керак.

#### **Никоҳдаги баъзи хатолар**

1. Агар никоҳда йигитга сен розими ва қизга сен розими деса ва улар ҳа деб жавоб берса бу никоҳ тўғри эмас.
2. Эри ўлган ёки эридан талоқ орқали ажрашган аёл бўлса идда вақти ўтмасдан никоҳ қилиш мумкин эмас.
3. Никоҳда пайтида Қуръондан бир Сура ёки дуо ўқиш никоҳни шартига кирмайди.
4. Агар никоҳ ҳақида ҳеч қандай хужжат бўлмасада икки гувоҳ иштироки етарлидир.

5. Агар эри хотинидан қанча муддат вақт йироқда бўлса талоқ бўлмайди.

Агар эр хотинига талоқ берса ва хотинига уч идда даври ўтмасдан сени никоҳимга қайтардим деса никоҳ сақланиб қолади.

Агар хотинига уч талоқ берса хотинини никоҳга қайтариш учун Шариъатда кўрсатилган шартларни бажариши керак.

Агар эри ёки хотини бирор куфр сабабли диндан чиқса никоҳи бузилади. У Ислом қабул қилиши ва никоҳни янгидан қилиш керак. Диндан чиққан инсон Исломни қабул қилмагунча никоҳ тўғри бўлмайди.

✉ 04071, Украина, Киев шаҳри,  
Лукьяновская кўчаси 46-уй.  
☎ (044) 4651877; 4651878,  
Факс: (044) 4561770  
E-mail: [islam@i.kiev.ua](mailto:islam@i.kiev.ua)  
Web site <http://www.islamyat.org>

**Фикр мулохазаларингиз ёки ўзингизни қизиқтирган  
саволларингиз билан қуйидаги манзилга мурожат  
қилишингиз  
мумкин:**

**Украина мусулмонлар диний идораси**